

## ҚУРИТГИЧЛАРДА ҚУРИТИЛАДИГАН МЕВАЛАРНИНГ ГИГРОСКОПИК ВА ТЕРМОРАДИАЦИОН ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

**Дилноза Нематиллаевна Зокирова**

Наманган мұхандислик-қурилиш институты ўқытувчысы

**Фотима Қахрамоновна Қурбонова**

Наманган мұхандислик-қурилиш институты ўқытувчысы

**Жамоллиддин Исомиддин ўғли Хусаинов**

Наманган мұхандислик-қурилиш институты талабаси

### АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонни иқтисодий ривожланиши, бозор муносабатларига ўтиш, агросаноат тармоқларида энергетик ресурсларини тежайдиган комплекс технологияларни құллаш ва уларни илмий асосларини яратиш билан аникланади. Мазкур мақолада муқобил энергия манбаларидан фойдаланиб ишловчи қуритгичларнинг янги вариантларини яратиш муаммоси қўйилган. Мазкур мақолада қуритгичларда қуритиладиган турли меваларнинг гигроскопик ва терморадиацион характеристикаларини тадқиқи илмий асосланган.

**Калит сўзлар:** муқобил энергия манбалари, қуритгич, гигроскопик, терморадиацион, қуёш қуриткич, механик ишлов бериш, кимёвий ишлов бериш, физиковий ишлов бериш, ҳарорат, намлик, ҳаво тезлиги, қуритиш усули, қуритгич тури.

### STUDY OF HYGROSCOPIC AND THERMORADIATION CHARACTERISTICS OF FRUIT DRYING IN DRYERS

### ABSTRACT

The economic development of Uzbekistan is determined by the transition to market relations, the use of complex technologies in the agro-industrial sector that save energy resources and the creation of their scientific foundations. This article raises the problem of



creating new variants of drying plants operating using alternative energy sources. The article scientifically substantiates the study of hygroscopic and thermoradiation characteristics of various fruits dried in dryers.

**Keywords:** alternative energy sources, dryer, hygroscopic, thermoradiation, solar dryer, mechanical processing, chemical processing, physical processing, temperature, humidity, air speed, drying methods, types of dryers.

## КИРИШ

Энергетика муаммоси бутун жаҳонда глобал муаммолардан бирига айланиб энергия манбаларидан фойдаланишнинг ҳозирги тизимини қайта қуриш ва қайта тикланадиган ҳамда экологик тоза энергия манбаларини ўзлаштириш йўлларини излашни талаб этмоқда. Республикаизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан истиқболли фойдаланиш, ундан фойдаланишнинг хуқуқий асосини таъминлаш борасида кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 26 майдаги “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги Қарори фикримизга яққол мисол бўла олади [1].

Ҳозирги пайтда ер юзида аҳоли сонининг йил сайин ошиб бориши ҳамда фан-техниканинг тез суръатларда ривожланиб бориши ижтимоий-иқтисодий, экологик ҳамда энергетик муаммоларни вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Муқобил энергия манбаларидан бошқа соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш соҳасида ҳам кенг кўламда изланишлар олиб борилмоқда. Бир қанча тадқиқотлар олиб борилганига қарамасдан ҳалигача ўз ечимини топмаган муаммолар мавжуд. Қуёш қурилчиликтарининг афзаллиги шундаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритишда муқобил энергиядан фойдаланиб қисқа вақт давомида, сифатли маҳсулотларни олиш мумкин.

Қуритишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилмаганлиги туфайли кўп хўжаликларда қуритилган мева ва майиз маҳсулотларининг сифат кўрсатгичлари паст бўлиб қолмоқда. Қуёш ва иссиқлик энергиясини қўллаш асосида ишлайдиган самарали мева қурилчиликтарини ишлаб чиқиши билан бирга самарали қуритиш технологияларини яратиш соҳасида ҳам изланишлар олиб борилмоқда.

Куритилган меваларнинг таркиби, ташқи кўриниши, ранги ва бошқа сифат кўрсатгичлари меваларнинг қуриш режимларидан ташқари уларга қуритишдан олдин дастлабки ишлов беришга ҳам боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, меваларни қуритишдан олдин олтингургут ангидриди билан ишлов бериш натижасида сифатли, қизғиш тусли қуритилган маҳсулотлар олиш мумкин. Бу тадбирларнинг барчаси қуритиш технологиясининг асосини ташкил этади. Бундай қуритиш технологияларининг айримлари билан танишамиз. Қуритиладиган мева ва сабзавотларга дастлабки ишлов беришнинг механик, кимёвий ва физикавий усуллари мавжуд. Механик усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда мевалар механик деформацияланади ёки кесилади. Айрим ҳолларда юқори кучланиш остида электр разряди билан ишлов берилади. Натижада уларнинг қуриш тезлиги ортади.

Меваларга кимёвий ишлов беришнинг кўп қўлланиладиган усулларидан бири қайнок сув усули ҳисобланади. Бу усулда мевалар қуритишдан олдин 0,3-0,4 фоизли ишқор эритмасига (каустик содали) қайнок сувга маълум муддат ботириб олинади. Бунинг учун саватларга 2-3 кгдан мевалар жойланади ва эритма ичида 5-7 секунд ушлаб турилади. Ишлов бериш наижасида мева доналари устида тўрсимон майдага ёриқлар ҳосил бўлади. Бу ёриқлар мева таркибидаги сувнинг буғланишини тезлаштиради. Натижада маҳсулотнинг қуриш муддати 3-4 баробар қисқаради. Ишқор эритмаси қуйидаги тартибда тайёрланади. Қозонда қайнаб турган сувга бир литр ҳисобига 2-3 грамм каустик сода ишқор ташланади. Ишлов берилган саватдаги мевалар патнисларга ёйилиб, қуритиш учун қуригичга киритилади. Турли мевалар учун ишлов бериш вақти турлича бўлиб у тажрибада аниқланади [3], [4].

Меваларга олтингургут гази билан (димлаш) қўйидагича амалга оширилади: Бир килограмм маҳсулотга олтингургут сарфи 1-2 граммни ташкил этади. Ишлов беришда маҳсус герметик хона ёки қутилардан фойдаланилади. Мевалар олтингургут билан ишлов берилганда ўз рангини сақлаб қолади ва айни вақтда бундай туршакка зааркунандалар кам таъсир этади. Меваларга бундай усулда ишлов берилганда улар сарғиши рангда бўлиб, улар таркибидаги микроорганизмлар қирилиб кетади. Лекин бу усулда мевалар таркибидаги олтингургут уни таъмига заарли таъсир кўрсатади. Шунинг учун уларга ишлов беришда уларни димлаш режимига эътибор қилиш керак.

Кейинги йилларда меваларни қуришдан олдин уларга ишлов беришнинг замонавий физикавий усулларидан фойдаланилмоқда. Бу усуллардан бири меваларни



қуритишдан олдин маълум муддат юқори интенсивликда (бир неча минут давомида импульсли нурланиш) инфрақизил нурлар билан нурлантирилиб кейин қуритгичда қуритилади. Инфрақизил нурлар КГТ-1000 турдаги ИК лампалар ёрдамида ҳосил қилинади. Бундай усулда қуритилган маҳсулотнинг сифат кўрсатгичлар юқори бўлиб, қуриш муддати мева турига боғлиқ холда 1,6-2 марта қисқаради. Мазкур усулда қуритилган узум, тут ва қовун маҳсулотларининг оптимал нурлатиш режимлари аниқланган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек қуритилган маҳсулотларнинг сифат кўрсатгичлари қуритиш режимларига ҳам боғлиқ бўлади. Қуритиш режимига жуда кўп омиллар таъсир этади. Масалан, қуритгич ичидаги ҳарорат намлиқ, ҳаво тезлиги, қуритиш усули, қуритгич тури ва х.к. Меваларнинг қуриш режимларини аниқлашда уларнинг тури, қуриш кинетикаси ва улардаги иссиқлик-масса алмашиниш коэффициентларини ҳам аниқлаш зарур бўлади. Чунки турли мевалар учун ҳарорат рухсат этилган қийматидан ошмаслиги лозим.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Масалан, узум  $70-75^{\circ}\text{C}$  ҳароратдан юқори ҳароратда карамелизация жараёни рўй бериши мумкин. Бу унинг сифатига таъсир этади. Иссиқлик энергияси билан ишлайдиган қуритгичларда бунга эътиборни қаратиш керак. Шунинг учун қуритгичларда мева ва сабзавотларнинг қуриш режимларини аниқлашда қуритгич ичидаги температура-намлиқ режимларини тадқиқ этишни талаб этади. Барча турдаги қуритгичларга қўйиладиган асосий талаб, қуритиш жараёнини интенсивлаштириш, уларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш ва қуритиладиган маҳсулотларнинг сифат кўрсатгичларини яхшилашдан иборат.

Шунингдек қуритгичларда жумладан қуёш мева қуритгичларда ҳам қуритиладиган маҳсулотлар узлуксиз бир текисда қуриши ҳамда қуритиш жараёнида кўпинча кўл меҳнатини камайтиришга эришиш асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Бунга қандай эришиш мумкин? Бундай муаммолар иссиқлик (ёқилғи билан ишлайдиган) қуритгичларда қисман ҳал этилган. Аммо қуёш қуритгичларида юқорида таъкидланган муаммоларни ҳал этиш анча мушкул. Чунки қуёш қуритгичлари мавсумий бўлиб, ундаги ҳарорат сутка давомида ўзгариб туради. Бу эса меваларнинг қуриш кинетикаларини чуқур ўрганишга тўсқинлик қиласи. Бунда қуритгич ичидаги температура намлиқ режими ҳам ўзгариб

кетади. Натижада меваларнинг қуриш режимларини аниқлаш анча кийинлашади.

Шунинг учун кейинги йилларда мазкур масалани ҳал қилиш учун иссиқлик ва қуёш қуритгичларининг афзалик томонларини олиб, уларни бирлаштириш асосида янги конструкцияли қуритгичлар ишлаб чиқилган.

Юқори самарали қуёш қуритгичлари конструкцияларини яратиш ва уларни ишлаб чиқишига тадбиқ қилиш ҳамда унда кечадиган қуриш жараёнларининг рационал режимларини танлаш мева ва сабзавотларнинг гигроскопик, иссиқлик-физикавий терморадиацион характеристикаларини билишни тақозо этади. Шу мақсадда ишда меваларнинг баъзи бир физикавий характеристикалари, жумладан, гигроскопик ва терморадиацион характеристикалари аниқланди.

Меваларни қуритишнинг оптимал режимини танлашда қуритиладиган меваларнинг технологик, иссиқлик-техникавий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Шунингдек, қуритишнинг самарали технологик жараёнини ишлаб чиқишида меваларнинг физикавий-кимёвий, структуравий, оптик ва бошқа кўпгина хоссаларини билишни талаб этади [5].

Кўп мева сабзавотларнинг физикавий характеристикалари, жумладан иссиқлик, масса-алмашиниши, гигроскопик ва оптик терморадиацион характеристикалари яхши ўрганилган. Бироқ, илмий адабиётларининг таҳлили шуни кўрсатдики, шу пайтгача меванинг физикавий характеристикалари қуритиш обьекти сифатида етарлича ўрганилмаганлиги маълум бўлди.

Шунинг учун қуритгичларда меванинг қуриш режимларини аниқлашда, унинг гигроскопик ва терморадиацион характеристикаларини ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга [6].

Энди меванинг турлари, физик-кимёвий таркиби ва айрим хусусиятлари билан танишайлик. Мевалар шифобаҳш хусусиятга эга бўлиб, унинг таркибида кўп миқдорда витаминалар, қанд ва бўёқ моддалари бўлади.

Яқин Шарқ мамлакатларида ва биз яшаётган худудда мевалар одатда қуёш-ҳаво усулида қуритилади. Мевалар нисбатан кам ўрганилганлиги туфайли уни қуритиш обьекти сифатида физикавий, иссиқлик-масса алмашинув, технологик характеристикаларини тадқиқ этиш катта илмий аҳамиятга эга.

Мазкур ишда меваларнинг гигроскопик ва терморадиацион характеристикаларини ўрганилди.

Дастлаб меванинг гигроскопик характеристикаси ўрганилди. Маълумки, мева намлигининг у сақланаётган

ҳонадаги ҳаво нисбий намлигига боғлиқ бўлиши унинг гигроскопик характеристикасида ўз аксини топади. Кўпинча маҳсулотинг мувозанатли намлик қиймати бўйича ҳавонинг қуритиш агенти сифатида унинг потенциал имконияти ва қуритилган маҳсулотни сақлаш шароитлари баҳоланади. Меванинг мувозанатли намлиги ҳавонинг ҳарорати ва нисбий намлигига ҳам боғлиқ бўлади. Меванинг гигроскопик характеристикасини аниқланда тажрибалар хона ҳароратида  $t = 20 - 24^{\circ}\text{C}$  интервалда ўтказилди. Меванинг мувозанатли намлиги ҳар бир тажрибада қуйидаги формуладан аниқланди.

$$W_p = \frac{m_{ham} - m_{kyp}}{m_{kyp}}$$

Бунда  $m_{ham}$  ва  $m_{kyp}$  - хўл материал массаси ва мутлоқ қуруқ модда массаси.

Дастлабки намунанинг намлиги ва мувозанатли намлиги уни қуритиш шкафида  $80^{\circ}\text{C}$  ҳароратда массаси ўзгармай қолгунча қуритиш орқали аниқланди [4].


Тажриба натижалари асосида мева мувозанатли намлигининг ҳаво нисбий намлигига боғланиши  $W_p = f(\varphi)$  кўринишида аниқланди. Бу боғланиш 1-расмда келтирилган.

Олинган тажриба натижаларини ЭҲМ ёрдамида кичик квадратлар усулида ишлов бериш орқали қуйидаги тенглама олинди.

$$W_p = 7,0026e^{0,0255\varphi}$$

Меванинг мувозонатли намлигининг ҳавонинг нисбий намлигига боғлиқлигини ифодалайдиган мазкур модел (тенглама) тажрибда аниқланган меванинг гигроскопик характеристикасини 10% аниқлиқда акс эттиради [5].


Энди меваларнинг спектрал терморадиацион характеристикаларини кўрамиз. Меваларнинг қуриш жараёнини ҳисоблашда меванинг қайтариш  $-R$ , ўтказиш  $-T$ , ютилиш  $-A$  коэффициентлари каби интеграл терморадиацион характеристикалари керак бўлади. Меваларнинг ушбу терморадиацион ва оптик характеристикалари меваларнинг қуриш давомийлигини ҳисоблаш ва оптимал қуриш режимларини танлашда зарур омиллардан ҳисобланади. Бунда маҳсулотдаги қуёш радиациясининг сочилиши ва ютилиши ҳам эътиборга олинади.




**1-расм.** Меванинг десорбция эгрилиги  
I- мева, II - мева

Куриш жараёнида меваларга қүёш радиацияси таъсир этиши оқибатида уларнинг ҳарорати, намлиги, шакли ва бошқа хусусиятлари ўзгаради. Бу меванинг терморадиацион ва оптик характеристикаларини ўзгаришига олиб келади. Ушбу характеристикалар меванинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун асосий мезон ҳисобланади. Меваларнинг оптик ва терморадиацион характеристикаларини аниқлаш учун спектрнинг кўринадиган ва яқин инфрақизил соҳаларида (380-1100 нм) ишлайдиган “Пульсар” спектрокалориметридан фойдаланилди.

Меваларнинг терморадиацион характеристикаларини тадқиқ этиш орқали қуйидагилар аниқланди. Янги узилган меванинг қайтариш спектри шакли ва интенсивлигига кўра бир-биридан кескин фарқ қиласи (2-расм). Графикдан кўриниб турибдики, меванинг қайтариш коэффициенти  $\lambda = 740\text{nm}$  да максимал қийматига эришади. Шу билан бир вақтда 2-мева учун максимал қайтариш коэффициенти  $\lambda = 880\text{nm}$  тўлқин узунлигига мос келади. 2-мева учун эса спектрнинг  $\lambda = 380\text{nm} - 670\text{nm}$  соҳасида қайтариш коэффициенти жуда кичик бўлиб, нолга яқиндир. Спектрнинг  $\lambda = 670\text{nm} - 900\text{nm}$  диапазонида эса қайтариш коэффициенти кескин катталашиб 0,31 қийматгача етади. Бу 2-меванинг рангига боғлиқлиги билан тушунтирилади. Шу билан бирга спектрнинг  $\lambda = 740\text{nm}$  соҳасида терморадиацион характеристикалари эгрилиги меваларнинг турли навлари учун деярли бир хил бўлади.



**2-расм.** Меванинг спектрал қайтариш коэффициентининг ёруғлик түлқин узунлигига боғлиқлиги (мева намлиги 81%). I- мева, II-мева.



**3-расм.** Меванинг спектрал-терморадиацион характеристикасининг ёруғлик түлқин узунлигига боғлиқлиги (I - мева, II - мева, III - мева)

Текширилган намуналар учун характерли ютилиш йўллари  $\lambda = 660\text{нм}$  ва  $\lambda = 990\text{нм}$  тўлқин узунликларига тўғри келади. Янги узилган ва қуритилган мева учун терморадиацион характеристикалариси спектринг  $\lambda = 380\text{нм} - 500\text{нм}$  соҳасида қайтариш коэффициенти жуда кичик бўлиб, 3...7% га тенг.  $\lambda = 520\text{нм} - 580\text{нм}$  тўлқин узунликли соҳада қайтариш коэффициенти  $R=0,45$  қийматгача кескин ошиб кетади [2]. Мева қуриганидан кейин унинг үнинг қайтариш спектри шакли ўзгаради, бунда ютилиш йўллари йўқолади (3-расм).

## ХУЛОСА

Шундай қилиб, намуналарни тегишлича тадқиқ қилиш турли меваларнинг терморадиацион характеристикалари нафақат уларнинг ички тузилишига, балки ранги ҳамда меваси шаклига боғлиқлигини кўрсатади. Меваларнинг терморадиацион характеристикалари бўйича олинган натижалар қуритилган маҳсулот сифат кўрсаткичларини аниқлашда ва гелиоқуригичларни лойиҳалаш учун мос ҳисоб-китоб ишларини ўтказишга имкон беради.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантиришб иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги Қарори, 2017 йил 26 май.
2. Назаров, М. Р. Моделирование процессов тепломассообмена в солнечных сушильных радиационно-конвективных установках// Гелиотехника, 2006. – № 1. – С. 43–48.
3. Харченко Н.В. Индивидуальные солнечные установки. – М.: Энергоатомиздат, 1991. – 208 с.
4. Қаххоров С.Қ., Самиев К.А., Жўраев X.O. Қуёш қурилмаларида жараёнлари моделлаштириш. Монография. – Тошкент. ITA PRESS, 2014. – 208 б.
5. Флетчер К. Вычислительные методы в динамике жидкостей. В 2-х т. – М.: Мир, 1991. – 504 с.
6. Gulamov G., Umarov K. B., Zokirova D. Carrier Energy Shift Influence on Quantum Oscillation Phenomena //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2020. – Т. 23. – №. 2. – С. 443-447.